

ЭЛМИРЗАЕВ Самариддин Эшқуватович,
Тошкент молия институти «Молиявий
менежмент» кафедраси мудири, иқтисодиёт
фанлари доктори

КОРПОРАТИВ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

УДК 336.564.21

ЭЛМИРЗАЕВ С.Э. КОРПОРАТИВ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада корпоратив молиявий муносабатларнинг солиқ оқибатлари, давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежменти ташкилий хусусиятлари, корпоратив тузилмаларда солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий жиҳатлари ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари тадқиқ қилинган.

Таянч иборалар: корпоратив молия, корпоратив молиявий муносабатлар, солиқ менежменти, солиқларни режалаштириш, самарадорликни баҳолаш.

ЭЛМИРЗАЕВ С.Э. ВОПРОСЫ НАЛОГОВОГО ПЛАНИРОВАНИЯ В КОРПОРАТИВНЫХ ФИНАНСОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ

В статье рассмотрены налоговые последствия корпоративных финансовых отношений, организационные особенности государственного и корпоративного налогового менеджмента, организационные аспекты и критерии оценки эффективности текущего налогового планирования в корпоративных структурах.

Ключевые слова: корпоративные финансы, корпоративные финансовые отношения, налоговый менеджмент, налоговое планирование, оценка эффективности.

ELMIRZAEV S.E. TAX PLANNING MATTERS IN CORPORATE FINANCIAL RELATIONSHIPS

In the article are considered the tax consequences of corporate finance relationships, organizational characteristics of public tax management and corporate tax management, organizational aspects and criteria for evaluating effectiveness current tax planning in corporate structures.

Keywords: corporate finance, corporate financial relationships, tax management, tax planning, evaluation effectiveness

Жаҳон иқтисодиётидаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиб бориши кўп жиҳатдан корпоратив тузилмаларда юзага келадиган солиқ муносабатларига бевосита боғлиқ. Корпоратив молияни бошқаришда фаолиятни хорижий давлатларда ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар айнан солиқ омилини ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади ва капитал ҳаракати солиқ юки даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ҳозирда инвесторлар мамлакатларда солиқ муносабатларининг амалдаги ҳолатини Doing Business (Жаҳон банки), Paying Taxes (Прайс-терхаускуперс компанияси ва Жаҳон банки гуруҳи) ҳисоботлари¹ асосида таҳлил қиладилар. Жаҳонда корпоратив тузилмалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунда корпоратив тузилмалар фаолиятини кенгайтириш мақсадида хорижий капитал жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган солиқлар орқали рақобатлашиш амалиёти кузатилмоқда.

Мамлакатлар ўртасидаги солиқ рақобатида ҳар бир давлат томонидан солиқ ставкаларини унификациялаш орқали солиқ юки даражасини кескин камайтириш, солиқ ҳисоботларини ихчамлаштириш, солиқ назоратини соддалаштириш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилиши талаб этилмоқда. Шунингдек, алоҳида солиқ режимлари ўрнатилган эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали корпоратив тузилмалар фаолиятини ривожлантириш масаласи ҳам алоҳида йўналиш сифатида кўзга ташланмоқда. Айнан келтириладиган жиҳатлар асосида корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунга келиб солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, солиқ ва мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш каби масалалар алоҳида долзарблик касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни

¹ <http://www.doingbusiness.org>; <http://www.pwc.com/payingtaxes>

кенгайтириш»² масаласи алоҳида белгиланди. Унда белгиланган вазифаларнинг ижроси корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини ташкил этиш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади.

Молия тизимининг айнан шу соҳасида иқтисодиётнинг турли тармоқларига тақсимланадиган даромадларнинг асосий қисми шаклланади ва бу даромадлар иқтисодий тараққиётнинг ҳамда жамият равнақининг асосий молиявий манбаси сифатида хизмат қилади. Корпоратив тузилмалар даромадлари ўзини ўзи молиялаштириш учун, ишчи-ҳодимлар ва давлат олдидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа йўналишларга тақсимланади. Бундан корпоратив молияни самарали ташкил этиш жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун доимий эътибор талаб қилишини кўриш мумкин. Корпоратив молия бугунги кунга келиб, халқаро молия тизимининг асоси сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Айнан шундай ҳолатда мамлакатимизда корпоратив молияни самарали ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини юксалтириш билан бирга, халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнининг юксалишига имкон беради. Чунки ташқи савдо муносабатларида айнан давлатлар билан бир қаторда корпоратив тузилмалар ҳам фаол иштирок этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив тузилмаларнинг молиявий муносабатларини 1-расмдаги каби тўртта гуруҳ бўйича таснифладик.

1-расмда келтирилган корпоратив молиявий муносабатларнинг юзага келиши бевосита ёки билвосита солиқ муносабатлари юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, давлатнинг корпоратив тузилмалар билан молиявий муносабатлари бевосита давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятни тартибга солишдан тортиб истеъмолчи сифатида давлат харидини амалга

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

1-расм. Корпоратив тузилмалар молиявий муносабатлари таснифи¹.

ошириш ҳамда давлат қимматли қоғозларини корпоратив тузилмалар ўртасида жойлаштириш каби ҳолатларгача намоён бўлишини кўрамиз.


Маълумки, давлат солиқлар орқали иқтисодий жараёнларни тартибга солишдан ташқари ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган молиявий ресурсларга ҳам эга бўлади. Солиқларни жорий этиш, солиқ прогнози орқали давлат бюджети параметрларини тузиш, солиқ йиғилувчанлик даражасини ошириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш давлат солиқ менежментининг асосини ташкил этади. Шунингдек, корпоратив тузилмалар томонидан солиққа тортиш тартибларини танлаш, имтиёз ва преференцияларга мослашиш, шартномаларнинг солиқ оқибатларига

таъсирини баҳолаш орқали корпоратив солиқ менежментининг амал қилиши таъминланади.

Солиқ менежменти давлат ва корпоратив тузилмалар миқёсида ҳам ўхшаш, ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида намоён бўлади. Яъни, давлат томонидан солиқларни бошқариш солиқ тизимини тартибга солиш ҳамда солиқларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ тегишли бюджетларга тушишини таъминлашга қаратилса, солиқ тўловчилар бунга қарама-қарши равишда солиқ мажбуриятларини бошқариш орқали солиқларни имкон қадар кечроқ ҳамда камроқ тўлашга интиладилар. Бу ҳолатга бозор иқтисодиёти қонунияти сифатида ёндашишимиз лозим. Яъни, «Давлат солиқ менежменти давлат манфаатларини кўзлайди, корпоратив солиқ

¹ Муаллиф томонидан тузилди.

2-расм. Давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментларининг ташкилий хусусиятлари¹.



менежменти эса конкрет ташкилот, конкрет жамоа манфаатларидан келиб чиқади»².

Ҳуқуқий жиҳатдан солиқларнинг амал қилиши давлат томонидан тартибга солиб борилганлиги туфайли корпоратив тузилмалар учун ўрнатилган солиқ юки кўп ҳолатларда манфаатлар уйғунлигига мос тушмайди. Чунки корпоратив тузилмалар солиқ тўловчилар сифатида давлат томонидан ўрнатилган солиқ қонунчилиги доирасида ўзларининг солиқ мажбуриятларини бошқариб боради. Умуман, давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментининг ташкилий хусусиятларини келтириб ўтамиз (2-расм).

Амалиётда солиқлар иқтисодий тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида кўринади. Айнан шундай шароитда корпоратив тузилмаларда молиявий қарорлар ҳеч қачон солиқларни ҳисобга олмасдан қабул қилинмаслиги лозим. Корхонада доимий равишда асосий функция мазкур корхона фаолиятини солиқ нуқтаи назаридан кузатиш ва таҳлил қилиш бўлган ички ва ташқи мутахассислар бўлиши мақсадга мувофиқ. Солиқлар корпоратив тузилма молиявий стратегиясида эътиборга олиниши, яъни кимдир уларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаши, шунингдек уларни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул

қилиши керак. Солиқ тўловчиларда «солиқларни тўламаслик мумкин эмас экан, унда мумкин қадар камроқ тўлаш керак», деган ёндашувни шакллантириш ўз солиқ мажбуриятларини тақиқланмаган қонуний усуллар ёрдамида камайтириш бозор иқтисодиёти талаби бўлиб, бу уларнинг ҳуқуқи сифатида асосланишига хизмат қилади.

Корпоратив молияни бошқаришнинг таркибий қисми сифатида корпоратив солиқ менежментида солиқ мажбуриятларини бошқариш, солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, ички солиқ назоратини ташкил этиш, солиқларни қонун доирасида камайтириш бўйича схемалар ишлаб чиқиш кабиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этишнинг энг асосий йўналишларидан бири солиқларни режалаштиришдир. Солиқларни режалаштириш ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш ва фаолиятни қайси ҳудудда ташкил этиш бўйича қарор қабул қилишдан тортиб, солиқ мажбуриятларининг ижросини белгиланган тартибда таъминлашга қадар барча жараёнларни қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида солиқларни режалаштиришнинг мазмун-моҳияти, корпоратив молияни бошқариш тизимидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Фикримизча, солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган энгиллик-

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

² Под. ред. А.Г.Поршнева. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003. – С. 26.

1-жадвал. Солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий жиҳатлари ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

№	Ташкилий жиҳатлар	Эътибор қаратиладиган масалалар
1.	Умумий тартибда ташкилий жиҳатлар	Ҳисобот даври асосида солиқ қонунчилиги мониторинги Бошқа фаолият турларини ва операцияларни кузатиб бориш Кутилаётган ички ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш Ташқи муҳитда кутилаётган ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш
2.	Хусусий тартибда ташкилий жиҳатлар	Ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базаларини таҳлил қилиб бориш Солиқ қонунчилиги асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш Алоҳида тартибда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва юритиш Солиқ мажбуриятлари ижросини режали тартибда назорат қилиб бориш
3.	Самарали тузилмалар яратиш ва улар иш фаоллигини ошириш	Тезкор ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш Аниқ таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар билан таъминлаш Солиқ органлари билан доимий алоқани таъминловчи ишчи муҳит яратиш Натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш
4.	Баҳолаш мезонларини белгилаш	Солиқларни режалаштириш орқали тежалган маблағлар миқдорини аниқлаш Солиқ рисклари юзага келиши натижасидаги зарарларни баҳолаш Солиқларни режалаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни белгилаш Солиқларни режалаштириш натижасида олинган қўшимча фойда ёки қўшимча харажат натижасидаги зарар

лар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларидадан фойдаланган ҳолда солиқлар ва мажбурий ажратмаларни камайтириш ҳамда солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажариш бўйича белгиланган молиявий режалаштиришнинг туридир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни режалаштиришга бўлган заруратни Т.С.Маликовнинг «ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак?»¹, деган фикри ўзида тўлиқ ифода олади.

Солиқларни режалаштириш амалиёти стратегик, жорий ва оператив режалаштириш босқичлари асосида ташкил этилгандагина самарали бўлишини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Фаолиятини давом эттириб келаётган корпоратив тузилмаларда фаолиятни диверсификациялаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ ҳолатларда солиқларни қисман стратегик режалаштиришнинг амал қилиши асносида асосан жорий режалаштиришга устувор даражада эътибор қаратилиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Бунда бизнингча, асосий жиҳатлар сифатида умумий ва хусусий тартибда хусусиятларга эътибор қаратиш муҳим. Шу боисдан қуйида солиқларни жорий

режалаштиришда эътибор қаратиладиган ташкилий жиҳатлар ва буларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини келтириб ўтамыз (1-жадвал).

Ўз навбатида солиқларни режалаштиришнинг амал қилишида унинг самарадорлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки бу амалиёт корпоратив тузилмадан маълум миқдордаги харажатларни талаб қилиши маълум.

Солиқларни режалаштиришнинг самарадорлигини баҳолашда йўлга қўйилган амалиёт натижасида биринчи навбатда эришилган ижобий натижага эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса солиқ мажбуриятларини камайтириш ёки кечиктириш билан эришилган натижадан солиқ рисклари юзага келиши натижасидаги йўқотишлар ва солиқларни режалаштиришнинг ташкилий харажатларини чегириш орқали натижани аниқлаш талаб этилади.

Корпоратив солиқларни режалаштиришнинг амал қилиши иккинчи томондан мантиқан давлат бюджети даромадларининг камайишига ҳам сабаб бўлади. Шу боисдан корпоратив миқёсда солиқларни режалаштиришни чегаралаш мақсадида давлат томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар кўрилишини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бу борада Б.Тошмуродовнинг таъкидлашича,

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

«Кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек солиқларни режалаштиришни қўллаш соҳасини жиддий равишда чегаралаш имконини берадиган махсус усуллар шаклланган»¹.

Корпоратив молиявий муносабатларда солиқларни режалаштириш масалаларига доир тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

Биринчидан, корпоратив тузилмаларда юзага келадиган солиқ оқибатларини баҳолаш солиқ мажбуриятларини ўзини аниқлаш ва бажаришга имкон беради.

Иккинчидан, корпоратив миқёсда солиқлар режалаштиришда умумий тартибда ҳисобот даври асосида солиқ қонунчилиги мониторинги, бошқа фаолият турлари ва операцияларни кузатиб бориш, кутилаётган ички ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш, ташқи муҳитда кути-

лаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш кабиларга эътибор қаратиш лозим ҳисобланади.

Учинчидан, корпоратив солиқларни режалаштиришда хусусий тартибда ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базаларини таҳлил қилиб бориш, солиқ қонунчилиги асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, алоҳида тартибда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, солиқ мажбуриятлари ижросини режали тартибда назорат қилиб бориш кабилар солиқ мажбуриятларининг белгиланган тартибда бажарилишини таъминлайди.

Тўртинчидан, солиқларни режалаштириш амалиётининг тезкор ва аниқ ахборотлар билан таъминланиши, аниқ таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар билан ишлаш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш юзасидан солиқ органлари билан доимий алоқани таъминловчи ишчи муҳит яратилиши, натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимининг амал қилиши фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Под. ред. А.Г.Поршнева. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003. –С. 26.
3. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. – Т.: «Академнашр», 2011. –195-б.
4. Тошмуродова Б. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. –71-б.

¹ Тошмуродова Б. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. –71-б.